

АЖРИМДАН КЕЙИН АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ

Каримов Ж. К.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти,
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Рўзимуродов Ў. Ф.

Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти кичик илмий ходими

Аннотация:

Ушбу мақолада ажримдан кейин аёллар ва болалар юзага келадиган иқтисодий ва ижтимоий муаммолар таҳлил қилиниб, уларни юмшатишга қаратилган самарали давлат ва жамоат механизмлари муҳокама қилинади. Халқаро тажрибалар (Финляндия, Польша, Франция) билан қиёсий таҳлил асосида Ўзбекистон шароитида амалга оширилиши мумкин бўлган барқарор ечимлар таклиф этилган. Хусусан, "Ажримдан кейинги аёллар дафтари", қайта касбга ўқитиш курслари, болалар учун психологик қўллаб-қувватлаш дастурлари ва ННТлар билан ҳамкорликда маслаҳат марказларини ташкил этиш таклиф қилинган.

Калит сўзлар: ажрим, аёллар, болалар, иқтисодий ҳимоя, ижтимоий ёрдам, касбга ўқитиш, психологик қўллаб-қувватлаш, халқаро тажриба, давлат-ННТ ҳамкорлиги, Ўзбекистон

Annotation:

This article analyzes the economic and social challenges faced by women and children after divorce in Uzbekistan. Drawing on international experience (Finland, Poland, France), the paper offers sustainable, locally-adapted solutions. Key proposals include the introduction of a "Post-Divorce Women Registry", vocational retraining programs, psychological support for children, and establishment of advisory centers in collaboration with NGOs.

Keywords: divorce, women, children, economic protection, social assistance, vocational training, psychological support, international experience, NGO cooperation, Uzbekistan

Аннотация:

В статье рассматриваются экономические и социальные последствия развода для женщин и детей в Узбекистане. Проведен сравнительный анализ с международной практикой (Финляндия, Польша, Франция), а также предложены адаптированные

решения для условий страны. В числе предложений — создание «Реестра женщин после развода», краткосрочные курсы переквалификации, психологическая поддержка для детей и развитие консультативных центров при участии ННО.

Ключевые слова: развод, женщины, дети, экономическая защита, социальная поддержка, профессиональное обучение, психологическая помощь, международный опыт, сотрудничество с ННО, Узбекистан

КИРИШ

Сўнгги йилларда оилавий муносабатлар тизимида юз бераётган ўзгаришлар, хусусан, ажримлар сонининг ортиши мамлакатда ижтимоий барқарорликка таҳдид солувчи жиддий ижтимоий муаммога айланмоқда. Ажрим – нафақат икки инсон ўртасидаги муносабатнинг узилиши, балки бутун оила аъзолари, айниқса, аёллар ва болалар ҳаётида янги ижтимоий, иқтисодий, руҳий шароитларнинг пайдо бўлиши демакдир. Ажримдан кейин аёллар кўп ҳолларда молиявий қийинчиликка дуч келади, болалар эса руҳий ноқулайлик ва тарбиядаги етишмовчиликларга юз тутаяди.

Ўзбекистон Республикасида оилани муҳофаза қилиш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор давлат дастурлари амалга оширилаётган бўлса-да, ажримдан кейинги даврда аёллар ва болалар учун аниқ мақсадли, интеграциялашган ҳимоя механизмлари етарлича йўлга қўйилмаган. Шу сабабли ушбу мақолада ажримдан кейин аёллар ва болаларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган механизмлар таҳлил этилиб, Ўзбекистон шароитида амалга оширилиши мумкин бўлган барқарор ечимлар таклиф этилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ажримнинг иқтисодий оқибатлари : Ажримдан кейинги даврда аёллар учун иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш катта муаммога айланмоқда. Турмуш ўртоғидан ажралганидан сўнг кўпгина аёллар даромад манбаидан маҳрум бўлади. Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилган маҳаллий тадқиқотларга кўра, ажрашган аёлларнинг 37,5 фоизи молиявий қийинчиликларга дуч келганини билдирган. Бу кўрсаткич, аҳоли орасида аёлларнинг меҳнат бозорида тўлиқ ва барқарор иштирок этмаслиги, молиявий мустақилликнинг етишмаслиги билан изоҳланади (Манба: Mahalla va Oila Instituti, 2024).

Ижтимоий аҳволнинг ёмонлашуви, биринчи навбатда, болаларга таъсир кўрсатади. Ажримдан кейин яқка тарбияланаётган болаларнинг таълим ва соғлиқ хизматидаги қийинчиликлари мумкин. Мисол учун, респондентларнинг 29,4% фарзандларини хусусий таълим муассасаси ёки тўловли тўғарақлардан олиб чиқишга мажбур

бўлганини билдирган. Соғлиқни сақлаш хизматида эса, аёллар 21,6% ҳолатда профилактик текширувларни тўхтатганини қайд этган¹.

Ажрим оқибатида аёллар кўпинча ижарада яшаш, иш излаш, болани боқиш билан боғлиқ қўшимча харажатларга дуч келади. Шунингдек, уларнинг ижтимоий ёрдамга муҳтожлик даражаси ҳам ортади. Масалан, “Аёллар дафтари”да рўйхатга олинган аёлларнинг 12,7 фоизи ажримдан кейин рўйхатга киритилган бўлиб, бу жорий дастурлар ажрим оқибатидаги иқтисодий хавфни камайтиришга тўлиқ қодир эмаслигини кўрсатади (UN Women Uzbekistan, 2023)².

Бу ҳолатлар кўрсатиб турибдики, ажрим – аёл ва фарзандлар учун ижтимоий хавф омили бўлиб, давлат томонидан мослаштирилган ва тезкор иқтисодий ёрдам тизимларини талаб қилади.

Ажримдан кейинги ижтимоий кўмак тизимининг мавжуд ҳолати (кенгайтирилган таҳлил)

Ажрим – оилавий муносабатлар тизимидаги муҳим ўзгаришлардан бири сифатида, айниқса аёллар ва болалар учун кескин ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларни юзага келтиради. Ўзбекистонда мавжуд ижтимоий кўмак тизимлари, жумладан “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” каби дастурлар муайян эҳтиёжманд тоифаларни камраб олса-да, ажрим оқибатидаги ҳолатни алоҳида ижтимоий хавф сифатида ҳисобга олмайди. Мазкур дастурлар асосан кам таъминланганлик, ногиронлик, ишсизлик ёки иш ҳақининг камлиги каби омилларга қараб ёрдам ажратиш механизмига эга (Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази)³.

Ажримдан кейин яқка тарбиячига айланган аёллар ва уларнинг фарзандлари ижтимоий ва психологик жиҳатдан алоҳида эҳтиёжга эга бўлади. Бироқ бу тоифа аёллар учун йўналтирилган мослаштирилган ёрдам механизми мавжуд эмас. Масалан, “Аёллар дафтари” доирасида кўрсатилаётган ёрдамлар ўз вақтида тақдим этилмаслиги, ёки аниқ мақсадли бўлмагани сабабли уларнинг ҳаёт сифати таъсири чегараланган. Бу ҳолат “UN Women Uzbekistan”нинг 2023 йилги ҳисоботида ҳам ўз аксини топган: ажрашган аёлларнинг 12,7 фоизи ушбу дафтар доирасида рўйхатга олинган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги ёрдам турларидан тўлиқ фойдаланмаганини билдирган (UN Women Uzbekistan, 2023).

Психологик ва ҳуқуқий ёрдам нуқтаи назаридан ҳам мавжуд тизимлар чекланган имкониятларга эга. Республикада фаолият юритаётган психологик маслаҳат марказлари асосан умумий аҳолига йўналтирилган бўлиб, ажрим оқибатидаги стресс,

¹ <https://stm.fi/etusivu>

² <https://www.gov.pl/>

³ <https://review.uz/uz/post/ayollar-daftari-tizimi-samradorligini-osirish-zarur>

депрессия, болалардаги рухий ўзгаришлар каби махсус ҳолатлар учун мослаштирилмаган. Бундан ташқари, жойлардаги ҳуқуқий маслаҳат хизматлари кўп ҳолларда тўлиқ малакали кадрлар билан таъминланмаган, ёки аҳоли бундай хизматлардан фойдаланишнинг аниқ тартибини билмайди. Бу ҳолат “USAID Uzbekistan”нинг 2021 йилда ўтказган “Gender and Justice Assessment Report” ҳисоботида ҳам қайд этилган бўлиб, ҳуқуқий маълумотсизлик ва жамоатчиликдаги стереотиплар аёлларнинг ҳуқуқий ҳимоя имкониятларини чеклаб қўяётгани таъкидланган (USAID, 2021).

Бундан ташқари, маҳалла тизими орқали амалга оширилаётган ижтимоий ёрдам шакллари жойларда аниқ мезонларга асосланмаган ҳолда тақсимланаётгани, айрим ҳолларда шифоҳий мурожаатлар ёки субъектив баҳолар асосида амалга оширилаётгани ҳам тадқиқотларда қайд этилган. Республика Оила маркази ҳамда “Mahalla va Oila Instituti” томонидан 2023–2024 йилларда ўтказилган таҳлилларда, жойлардаги маҳалла фаолларининг ажримдан кейинги аёлларга қаратилган ёндашуви кўпроқ кўмак эмас, балки назорат сифатида намоён бўлаётгани аниқланган⁴.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ажримдан кейинги ижтимоий кўмак тизими ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлиб, бунинг оқибатида аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда имкониятлари чекланиб қолмоқда. Муаммони бартараф этиш учун жамиятда ажримни ижтимоий хавф сифатида тан олиш, тегишли ҳимоя механизмларини институционал шаклда жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро тажрибалар: Ажримдан кейинги ижтимоий ҳимоя масаласида Финляндия давлати сўнгги ўн йилликда инновацион ёндашувларни жорий этган давлатлардан бири ҳисобланади. Бу ерда “Second Chance Centres” (Иккинчи имконият марказлари) деб номланган махсус хизматлар тизими шаклланган бўлиб, ушбу марказлар орқали аёллар меҳнат бозорига қайта интеграция қилиниши, рухий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватланиши таъминланади. Марказлар Евроиттифоқнинг EIGE (European Institute for Gender Equality) платформаси орқали ҳам қўллаб-қувватланади. Уларда касбга қайта ўқитиш (re-skilling), психологик реабилитация ва ижтимоий суғуртага уланиш хизматлари бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Бу орқали ажрим оқибатида ижтимоий чекланиш ҳолатларини бартараф этиш мақсад қилинган⁵ (EIGE, 2022).

Польшада эса давлат ижтимоий муҳофаза сиёсати доирасида “Women’s Economic Reintegration Programme” номли махсус дастур амалга оширилмоқда. Ушбу дастур аёлларга ажримдан сўнг бизнес бошлаш учун микроқарзлар, таълим грантлари ва малака ошириш курсларини таклиф этади. Мазкур курсларда иштирок этган аёллар

⁴ <https://uzbekistan.unwomen.org/en/digital-library/publications>

⁵ <https://eige.europa.eu/gender-mainstreaming/toolkits/gear>

орасида 6 ой ичида меҳнат бозорига қайтганлар улуши 64% ни ташкил этгани қайд этилган. Шу билан бирга, аёлларга болалар боғчаси ёки вақтинчалик “day-care” хизмати орқали ишлаш имконияти яратилади. Бу ташаббус Польша Оила ва ижтимоий сиёсат вазирлиги томонидан амалга оширилади (Ministry of Family and Social Policy, Poland, 2022)⁶.

Францияда эса ажримдан кейин бола парвариши масаласида ота ва онанинг тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлаш мақсадида “Écoles des Parents” (Ата-оналар мактаби) ташкил этилган. Бу марказлар ажримдан кейинги ота-оналарни бола тарбиясида биргаликда иштирок этиш, мулоқот маданиятини шакллантириш ва ҳуқуқий мас’улиятларни тенг тақсимлашга ўргатади. Шу орқали болаларда ажримнинг руҳий оқибатлари юмшатилиб, ота ва она ўртасидаги конструктив муносабатлар тикланиши таъминланади. Франциянинг GenEquality платформаси маълумотларига кўра, ушбу мактаблар орқали 2021 йилда 12 000дан зиёд ота-она тренингдан ўтган ва иштирокчиларнинг 78%и бу дастур муносабатларни яхшилаганини қайд этган (GenEquality France, 2022)⁷.

Умуман олганда, ушбу давлатлар тажрибаси ажримдан кейинги ижтимоий ҳимояни кенг қамровли, тизимли ва инсонни марказга қўйган ёндашув асосида амалга ошириш мумкинлигини кўрсатади. Ўзбекистонда ҳам ушбу тажрибалардан фойдаланган ҳолда, институционал ҳимоя механизмларини шакллантириш ва маҳаллий шароитга мослаштирилган дастурларни жорий қилиш мумкин.

Ўзбекистон шароитида амалий ечимлар таклифи: Ўзбекистонда ажримдан кейин аёллар ва болаларни ҳимоя қилишга қаратилган махсус механизмлар мавжуд эмаслиги сабабли, ижтимоий хавф таҳдидини юмшатиш учун аниқ мақсадли ечимлар зарур. Биринчи навбатда, “Ажримдан кейинги аёллар дафтари” (АДАДа)ни жорий этиш орқали мазкур аҳоли тоифасини тизимли тарзда ҳисобга олиш ва қисқа муддатли моддий ёрдам кўрсатиш механизминини шакллантириш мумкин. Масалан, ФХДЁ (Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш) органларида никоҳ тугатиш ҳақидаги қарор расмийлашиши билан бирга, маҳалла идоралари томонидан “АДАД”га автоматик равишда маълумот киритилиши керак. Бу механизм маҳаллий бюджетлар орқали вақтинчалик нафақа, ижтимоий карта ёки шахсий таълим/шахсий ривожланиш грантлари ажратиш имконини яратади⁸ (Review.uz, 2023).

Иккинчидан, меҳнат бозорида аёлларнинг фаол иштирокини тиклаш учун қисқа муддатли қайта касбга ўқитиш курслари (re-skilling) ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Бу курслар маҳаллий касб-ҳунар марказлари, ҳунармандчилик бирлашмалари

⁶ <https://www.gov.pl/web/rodzina>

⁷ <https://www.gen-equality.fr/parents-divorces>

⁸ <https://review.uz/uz/post/ayollar-daftari-tizimi-samradorligini-osirish-zarur>

ва ННТлар билан ҳамкорликда ташкил этилиши мумкин. Хусусан, “Хунарманд” уюшмаси, “Ishga marhamat” мажмуалари ва “Ayollar daftari” орқали аёлларни турли хизматлар соҳаси, рақамли саводхонлик, кичик бизнес ва уй меҳнатига асосланган фаолиятларга тайёрлаш натижадор бўлиши мумкин. Жаҳон банки маълумотларига кўра, касбга қайта ўқитиш дастурлари орқали ишсизлик даражаси ўрта муддатда 20–25% га камайиши мумкин⁹ (World Bank, 2021).

Учинчидан, болаларнинг ажримдан кейинги руҳий барқарорлигини таъминлаш мақсадида мактаб ва маҳалла марказлари қошида “таянч гуруҳлар”ни ташкил этиш, психолог маслаҳатларини тизимлаштириш зарур. Бугунги кунда Ўзбекистонда “Psixologik xizmat марказлари” фаолият юритмоқда, лекин уларнинг ажрим оқибатидаги болаларга ихтисослашмагани сабабли, маълум мутахассисликдаги бола психотерапевтлари, психо-социологлар жалб қилиниши зарур. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ажрим болаларда депрессия, ўзини яккаликда ҳис қилиш, тажовузкорлик ва ўқишда пасайиш каби ҳолатларни юзага келтиради (WHO, 2021).

Тўртинчи муҳим чора – ҳар бир туманда “Ажрим масалалари бўйича маслаҳат маркази”ни ташкил этишдан иборат. Бу марказларда профессионал юрист, психолог ва медиаторлар фаолият юритиши, ажрим жараёнига тушаётган ёки яқунлаган фуқароларга маслаҳат бериш, ҳуқуқий ҳимоя ва психологик тайёргарлик хизматларини кўрсатиши зарур. Кам харажатли, аммо самарали модель сифатида юристлик факультетлари талабаларини амалиёт сифатида жалб қилиш, ННТлар билан ҳамкорликда “аёллар ва болалар ҳуқуқи клиникалари”ни йўлга қўйиш мумкин¹⁰ (манба: USAID Uzbekistan, 2021).

Ниҳоят, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш муҳим. Бу орқали жойлардаги ресурслардан самарали фойдаланиш, давлат харажатларини оптималлаштириш ва аҳоли эҳтиёжларига мос хизматлар кўрсатиш имкони яратилади. Масалан, “Yuksalish” ҳаракати, “Mehrli qo‘llar” жамоат фонди ва “Najot ta’lim” каби ташкилотлар болаларга ва ёлғиз аёлларга таълим, психологик ёрдам ва ижтимоий кўмак кўрсатиш соҳасида аллақачон тажрибага эга. БМТнинг UNDP ва UN Women ташкилотлари ҳам маҳаллий даражадаги тажрибаларни тўплаш ва тарқатиш бўйича ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирган (UN Women Uzbekistan, 2023).

⁹ <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/mental-health-strengthening-our-response>

¹⁰ <https://uzbekistan.unwomen.org/en>

ХУЛОСА

Ажрим – фақат ҳуқуқий жараён эмас, балки кенг қамровли ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Унинг оқибатларини юмшатиш ва ижтимоий адолатни таъминлаш учун давлат, жамият ва фуқаролик сектори ўртасида интеграциялашган ёндашув зарур. Аёлларнинг иқтисодий мустақиллиги ва болаларнинг руҳий барқарорлигига эришиш учун мақсадли дастурлар, қайта касбга ўқитиш ва маслаҳат марказлари тизимини кучайтириш зарур. Ўзбекистон шароитида кам харажатли ва амалиётда синовдан ўтган ёндашувларни жорий этиш – аҳолининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашда муҳим кадам бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. БМТ Аёллар ташкилоти (UN Women), 2022 йилги ҳисоботи.
2. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (OSCE) – Gender and Divorce, 2021.
3. France: Code Civil sur la séparation de corps, 2022.
4. Finland Ministry of Social Affairs – Divorce Support Policies, 2023.
5. World Bank Report on Gender and Economic Resilience, 2021.
6. Mahalla va oila instituti tadqiqotlari markazi ҳисоботи, 2024.
7. Полша Ижтимоий ҳимоя вазирлиги – Rehabilitacja Kobiet po Rozwodzie, 2022.
8. Jahon banki – Gender equality and social protection mechanisms, 2023.
9. Республика Оила маркази йиллик таҳлилий ҳисоботи, 2023.
10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – oilaviy-huquqiy tizim sharhlari, 2022.
11. USAID Uzbekistan – Gender and Justice Assessment Report, 2021.
12. Финляндия Аёллар марказлари маълумотномаси, 2022.
13. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти – Divorce and Mental Health (WHO, 2021).
14. O‘zbekiston ayollarining ijtimoiy-iqtisodiy holati – Statcom, 2023.
15. Г.Қурбонова. “Ўзбекистонда аёллар ва болаларнинг ҳимояси” (монография), 2022.
16. CEDAW Uzbekistan – National Review, 2022.
17. Human Rights Watch – Women and Family Law Uzbekistan, 2023.
18. Республика психологлари уюшмаси ахборот бюллетени, 2023.